

Ёш мўминларга насиҳат



17:10 / 25.12.2018 3295

Сизнинг бўш вақтингиз йўқ! Сиз ушбу умматнинг бир аъзосимисиз, демак сизнинг бекорчи ишларга вақтингиз йўқ. Ушбу умматнинг ҳар бир аъзоси, айниқса куч-қувватга тўла ёшлари, доимо бу умматнинг ривожига учун ҳаракат қилмоқдалар. Мусулмонларнинг ҳаёти обод бўлсин, деб уринмоқдалар.

Сизнинг бўш вақтингиз йўқ! Сизнинг саккиз соатлаб видео ўйинлар ўйнашга вақтингиз йўқ. Янги чиққан кассабоп фильмларни кўришга ҳам вақтингиз йўқ. Сизнинг вақтингиз бу бекорчи ишлардан кўра муҳимроқ ишлар билан банд.

Эй, уммат ёшлари! Ўзингизнинг ҳаёт тарзингизни ислоҳ қилинг. Отанангиз, ёши катталар, устозингиз, имомингиз, шайхингиз таълимотидан эмас, балки, энг аввало, ўз виждонингизга қулоқ солиб, ҳаётингизни ислоҳ қилинг. Иймонингизга қулоқ солинг, эй йигитлар!

Сиз фаол мусулмонлардан бўлишингиз керак. Ён-атрофингиздагиларнинг фахш ишлар қилаётганини, ёшларнинг ҳақ йўлдан тояётганини кўрсангиз, уларни ким тўғри йўлга чақиради, деб ўйлайсиз? Масжид имомими? Асло! Бундай кишилар масжидга ҳам келмайдилар-ку. Масжид имомининг сўзлари, ҳатто уларга етиб бормади ҳам. Аксинча, сизнинг сўзларингиз

етиб боради. Ахир, улар сизнинг тенгдошларингиз, дўстларингиз-ку.

Уларга сиз гапиринг. Уларни сиз тўғри йўлга чақиринг. Уларга сиз ўрناق бўлинг. Улар эътибор қиладиган йигит бўлинг. Дўстларингизнинг ёмон ишларидан шикоят қилманг. Уларга ҳеч насиҳат қилганмисиз? Қилаётган ишларининг ўрнига бошқа бирор фойдали машғулот таклиф қилганмисиз? Уларга яхши томондан ўрناق бўлганмисиз? Сиз шундай бўлишингиз керак.

Аллоҳ азза ва жалла ёшларимизни умматнинг фаолларидан қилсин. Аллоҳ азза ва жалла бундай ёшларимизни тўғри йўлдан адашаётган жамиятлар учун чиройли ўрناق қилиб, ҳақ йўлга қайтишига сабабчи қилсин.

Аллоҳ таоло ҳар бир ёш йигитни ғайримусулмонлар учун мўминнинг энг гўзал намунаси қилсин. Ғайримусулмонларнинг бундай ёш мусулмон йигитларни кўриб, кўнгли ёришиб Исломга бўлган қизиқиши ортсин. Сизларга қараб, “мен ҳам шундай мусулмон бўлмоқчиман”, десин. Мана шу йигитга ўхшаган бўлмоқчисиман дейишсин.

Эй, ёшлар жамоаси! Сиз мана шундай ҳаёт кечиришингиз керак. Сизнинг софдиллигингиз, гўзал хулқ-атворингиз, ўзингизни тутишингиз, муомалангиз, бошқаларни ҳурмат қилишингиз уларнинг ҳавасини келтирсин. “Мен ҳам шунақа мусулмон бўлмоқчиман, мусулмон бўлиш жуда яхши экан”, десин.

Сиз ана шундай бўлинг! Ғайридиннинг олдига бориб, улар билан тортишиб, уларга устозларнинг китобини бериб ёки машҳур интернет саҳифаларини тавсия қилиб уларни ҳақ йўлига чақираман, деб ўйламанг. Ҳақиқий мўминлик сифатининг ўзи даъватнинг асосий кучидир. Шундай ҳаёт йўлини танлангки, сизни кўрган инсонларнинг, сиз ҳатто бирор сўз сўзламасингиз ҳам, Исломга бўлган қизиқиши ва ҳурмати ортсин. Айниқса, ён-атрофингиздаги жамиятда, дўстларингиз орасида ғайримусулмонлар бўлса, бунга кўпроқ эътибор беринг.

Акс ҳолда, Исломдан хабарсизлар сизларга қараб, Ислом яхши, аммо бу мусулмонлар йўлдан озган экан, демайдилар. Балки, Исломнинг ўзи йўлдан озиш экан, деб айтадилар. Чунки, улар ҳозирги мусулмонларга қараб Ислом мана шу экан, деб ўйлайдилар. Сиз ўзингизни мусулмон деб таништирдингизми, демак нима иш қилишингиздан, қандай ҳаракат қилишингиздан қатъи назар, сиз Ислом элчилари ҳисобланасиз. Буни унутманг.

Аллоҳ азда ва жалла Қиёмат куни сиздан қандай мусулмон бўлдинг, деб сўрайди. Одамлар сенинг сабабингдан Иломга яқинлашдиларми ёки сен туфайли улар Иломдан узоқлашдиларми, деб ҳам сўрайди. Субҳаналлоҳ!

Маъсулият сизнинг бўйнингизда. Аллоҳ таоло мўминлик масъулиятини барчамизга осон қилсин! Аллоҳ бизни тўда-тўда одамларнинг Иломга мухаббат қилишига, сўнгра ҳақни топишига сабабчи бўладиган мўминлардан қилсин!

Islom.uz портали таҳририяти